



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Бухоро давлат университети**  
**ректори**

**А.А.Тулаганов**

*сентябрь* **2017 й**

## **“Бухоро давлат университетидаги вакант лавозимлар” интерактив хизматининг намунавий регламенти**

### **1.Хизмат таърифи**

#### **1.1.Хизмат номланиши**

Қисқа номи: “Бухоро давлат университетидаги вакант лавозимлар”  
Кенгайтирилган номи: Бухоро давлат университети (Университет) расмий веб-сайти орқали “Бухоро давлат университетидаги вакант лавозимлар” хизмати.

#### **1.2.Хизмат натижаси**

Университетнинг бўш ўринларига (вакант лавозимлар) номзод сифатида рўйхатга олиш.

#### **1.3.Хизмат кўрсатувчи**

Хизмат университет томонидан кўрсатилади.

#### **1.4.Ҳуқуқий асослар.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

#### **1.5.Хизматдан фойдаланувчилар**

Жисмоний шахслар

#### **1.6. Мурожаат этиш муддатлари**

Меҳнат биржаси сайтида ва университет расмий веб-сайтида вакант лавозимлар эълон қилингандан сўнг

#### **1.7.Бажариш муддати**

3 (уч) кун

### **2.Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш**

#### **2.1.Маълумот таркиби ва ҳажми**

Мурожаат этувчи аризачига қуйидаги ахборот берилиши лозим:



-Хизмат регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиш усуллари:

-Университетга ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар бериш.

## 2.2.Батафсил маълумот олиш

“Бухоро давлат университетидаги вакант лавозимлар” хизмати тўғрисида ахборот бериш университет расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали амалга оширилади.

## 2.3.Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

Хизмат кўрсатиладиган университет манзили ва жамоат транспорти йўналишлари рақамлари билан бирга кўрсатилади.

## 2.4.Фойдаланиладиган бланкалар.

Ариза электрон шаклда тўлдирилади.

## 3.Иш вақти ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

### 3.1.Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба-жума (09<sup>00</sup>дан 18<sup>00</sup>гача)

### 3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Белгиланган муддатларда.

## 4.Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1.Зарур бўлган ҳужжатлар

-ЭРИ (электрон рақамли имзо)

-Аризачи СТИР, меҳнат дафтарчаси, илмий даража, илмий унвон, шунингдек илмий ишлар рўйхати ва ихтиролар (мавжуд бўлса), тегишли дипломлар, аттестатлар, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг электрон нусхасини тақдим этиши лозим.

### 4.2.Хизмат тўлови

Бепул

### 4.3.Хизмат кўрсатиш босқичлари

Университет расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1.id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.

2.”Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Олий таълим муассасасидаги вакант лавозимлар” хизмати танланади.

3.Ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади.



